Dehqon elkasiga dunyo tayanar

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

Muassis O'sbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1997 йил 23 ДЕКАБРЬ. СЕШАНБА №100 (5.870). Сотувда эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Илгари хабар қилинганидек, 1997 йил 25 декабрь куни Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлайди. Таркиб топган анъанага кўра сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи ташкил этилган бўлиб, уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева бошқармоқда.

22 декабрь куни Олий Мажлисда депутатлар ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. У Олий Мажлиснинг бўлажак сессияси аҳамиятини чуқур тушуниш ва алоҳида тантанаворлик руҳида ўтди. Зеро, мамлакатимиз тарихида биринчи марта Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи олий органининг депутатлари 25 декабрь куни янги ва улар учун махсус қурилган Парламент биносида тўпланадилар. Бу эса Олий Мажлиснинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганидан, умумэътироф этган демократия меъёрларига кўра ҳокимият бўғинлари аниқ ажратиб қўйилганидан яққол далолат беради. Маълумки, ривожланган демократия мамлакатларида ҳокимиятнинг турли бўғинлари вакиллари алоҳида биноларда иш олиб борадилар. Бизнинг депутатларимиз ҳам шундай кун келишини бир неча ўн йиллар мобайнида кутишган эди. Ниҳоят, бу орзу Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгани шарофати билан рўёбга чиқди.

Йиғилиш қатнашчилари шундай мураккаб объектни жуда қисқа муддатларда бунёд этиш Президент И. Каримов томонидан бу масалага улкан аҳамият берилганлиги, меъморлар ва қурувчиларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли амалга ошганлигини таъкидладилар. Янги бино улуғвор иншоот бўлиб, унда ўзбек миллий меъморчилигининг энг яхши анъаналари, халқимизнинг асрлар қаъридан бизгача етиб келган бетакрор санъати намоёндир. Бино энг замонавий электрон техника билан жиҳозланган. Парламент саройи ҳақли равишда кейинги йилларда қадимий ва навқирон Тошкентда бунёд этилган бир қатор улуғвор ва ўзига хос бинолар қаторидан ўрин олиб, барча ҳамюртларимизнинг фахрига айланиши шак-шубҳасиздир.

Йиғилишда Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясини ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтказиш муҳимлиги таъкидланди. Қонуншуносларнинг иши учун қулай шароитлар яратиш, янги парламент биносидаги мажлислар залини, бошқа хоналарни ўз вақтида тайёрлаш, ташкилий-техника тайёргарликни, сессия қатнашчиларига бошқа хизматлар кўрсатишни ҳам юксак даражада олиб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, «Рада-мажлис» овоз бериш электрон тизимини пухта текшириш, фақат депутатлар учун эмас, балки ҳукумат аъзолари, бошқа таклиф этилган меҳмонлар, дипломатия корпуси, шунингдек республика ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун зарур шароитлар яратишнинг муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилиш қатнашчилари сессияни ўтказиш даврида депутатларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларнинг овқатланишини, транспорт хизмати ва бошқа хизмат турлари кўрсатишни ташкил этиш масалаларини муҳокама қилдилар. Олий Мажлиснинг сессияси каби жуда муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирни ўтказишда ҳеч қандай майда-чуйда масалалар бўлмаслиги, шунинг учун ҳам тайёргарлик ишларига жалб этилган барча хизматларни қайта-қайта пухта текшириб кўриш лозимлиги таъкидланди.

Сўзга чиққанлар қонунлар лойиҳалари юзасидан депутатлардан тушган ҳамда матбуотда ёритилган мақолаларда билдирилган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уларни ўз вақтида умумлаштириб, парламент муҳокамасига киритилаётган ҳужжатларда ҳисобга олиш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Бунда сессияга тааллуқли ҳужжатларнинг барча лойиҳалари депутатларга жўнатилганлиги айтиб ўтилди.

Ишчи гуруҳи таркибидаги кичик гуруҳлар раҳбарлари Б. Наимов, У. Ҳошимов, И. Кочмарик ва Х. Тошев амалга оширилган ишлар тўғрисида йиғилиш қатнашчиларига ҳисоб бердилар. Улар йиғилганларни сессия бошланишигача қолган вақт мобайнида барча тайёргарлик тадбирлари тўла ниҳоясига етказилади, деб ишонтирдилар.

Депутатлар ишчи гуруҳи йиғилиши қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясини муваффақиятли ва самарали ўтказиш учун бутун куч-ғайратларини сарфлашлари тўғрисида якдиллик билан фикр билдирдилар.

**Сайхунобод туманидаги «Шўрўзак» жамоа хўжалиги деҳқонлари шудгорлашни барвақт тугаллаган эдилар. Айни кунларда эса хўжалик устахонасида техникани баҳорги экиш мавсумига тайёрлаш қизғин.**

**Суратда: (чапда) хўжалик раҳбари А.Синдоров тажрибали механизатор И.Маматов билан таъмирлаш ишларининг бориши ҳақида фикрлашмоқда.**

Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.



## БЎЛҒУСИ ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ

**Дўстлик тумани ғаллакорлари келгуси йил дон ҳосилига замин бўладиган зарур агротехник тадбирларни амалга оширмоқда. Туман бўйича жами 12 минг гектар майдонга маҳаллий шароитга мос уруғ навлари экиб бўлинди. «Оқ олтин», «Ўзбекистон мустақиллиги», «Манас», «Навбаҳор» каби ижара ширкат бирлашмаларида бу ишлар сифатли ўтказилиб, ғалла майсалантириб олинди. Бунда дон экилган майдонларда суғориш ишларининг ўз вақтида ўтказилгани муҳим омил бўлди. Кузги суғориш ишларида туман бўйича 600 нафар сувчи иштирок этди. Айни чоғда ғаллакорлар экинни пайҳондан асраш учун қатъий чора кўрмоқда.**

## БОБОТОҚҚА НУР КЕЛДИ

**Сурхон воҳасининг энг чекка Боботоғдаги қишлоқлар аҳолиси электр қувватидан баҳраманд бўла бошлади. 93 километрлик электр ўтказгич линиясининг асосий қисми фойдаланишга топширилди. Бу хайрли иш туфайли тоғ қишлоқларидаги 3 мингдан зиёд аҳоли хонадонида электр нури ёна бошлади. Шу билан бу ердаги экин майдонларига сув чиқарадиган насос станцияларини электр энергияси билан таъминлаш масаласи ҳам ҳал бўлди.**

## ЗАМОНАВИЙ ШИФОХОНА

**Бухоро туманининг А.Шокиров номидаги жамоа хўжалиги ҳудудидаги Чорuқ қишлоғида янги шифохона очилди. У бир сменада 50 нафар беморга хизмат қилади.**

**191-кўчма механизациялашган колоннанинг пудратчи-қурувчилари шифохона биносини 6 ойда қуриб битказди. Бу ерда 3,5 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Шифохона замонавий ускуналар билан жиҳозланган, бу ерда қишлоқнинг 1,5 минг кишилик аҳолисига ҳар томонлама тиббий хизмат кўрсатиш учун ҳамма нарса муҳайё: физиотерапия ва муолажа хоналари, электрокардиография, ҳар бири тўрт ўринли иккита кундузги стационар, дорихона мавжуд.**

**Қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурига мувофиқ туманда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан кўп иш қилинди. Ҳукуматнинг шу ҳақдаги қарори чиққанидан сўнг икки йил ичида 30 та қишлоқ даволаш пункти фойдаланишга топширилди. Келгуси йилда барча фелдшер-акушерлик пунктлари ва қишлоқ амбулаторияларини даволаш пунктларига айлантириш режалаштирилди.**

(ЎзА).

## ЕРНИ АЛДАБ, ЎЗЛАРИ АЛДАНГАНЛАР

Уч йилдирки, Сурхондарёда давлатга пахта топшириш режаси бажарилмаётир. Таажжубки, хўжаликларнинг кўпчилик раҳбару мутахассислари бунга ерларнинг ўта шўрланганлигию, техниканинг эскирганлиги каби сабабларни рўкач қилиб кўрсатмоқдалар. Айб ўзимизда, изланиш ва ташаббускорликнинг йўқлиги, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор усуллари ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмаётганлиги қолоқлик сабабидир, дейдиган мард топилмайди.

Ишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кимлардир боқимандалик кайфиятидан ҳанузгача халос бўла олмаган, деҳқончилик маданияти ночор. Ерларни шудгорлаш, бир вақтлар бўлганидек ҳашарлар уюштириб далаларга маҳаллий ўғит, нури ташиб чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш каби ишларга эътибор сусайтириб юборилди. Алмашлаб экиш унутилаёзди. Бу йил мавжуд 5780 километрли ариқ-зовурларнинг 1300 километригина тозаланди. Оқибат натижада Шеробод, Қизириқ, Ангор ва бошқа туманларда сизот сувлар кўтарилиб, анчагина экинзорлар яроқсиз ҳолга келди.

Баҳоналар ўринсиз. Сурхондарё шароитида пахтадан юқори ҳосил етиштириб, тармоқни сердаромад соҳага айлантириш учун шароит етарли. Жорий йил мавсумини муваффақиятли якунлаган Сариосиё, Музробод, Денов, Бандихон, Узун туманлари деҳқонлари буни тўла исботладилар. Масалан, музрободликлар халқ академияси тажрибасидан, фан ютуқларидан унумли фойдаланиб, чўл қийинчиликларини мардонавор енгдилар. Булар шарофати билан давлатга жами 48360 тоннадан ортиқ оқ олтин топширилиб, йиллик режа ортиғи билан бажарилди. Туманда бу йил биринчи маротаба бир миллиард сўмдан ортиқ даромад олинди. Соф фойда 350 миллион сўмни, рентабеллик эса 25 фоизни ташкил этди.

*Сурхондарё вилояти раҳбарлари диққатига*

Бахтга қарши Жарқўрғон, Қумқўрғон, Термиз, Ангор, Шеробод туманларидаги аҳвол, ишдаги сусткашлик барчани ташвишлантирмоқда. Масалага ойдинлик киритиш учун Қизириқ тумани хўжаликлари иш натижаларига назар ташлайлик. Таъкидлаш жоиз, районда пахтачиликка нисбатан бутунлай хўжасизлик қарор топган. Қатор раислар бозор шароитининг ўзига хос томонларини, иқтисодий ислоҳотларнинг моҳиятини ҳанузгача тўла тушуниб етмаганликлари яққол сезилмоқда. Бебаҳо бойлик — ерга жабр қилинаяпти. Туманда бу йил 4 минг гектардан ортиқ замин ўта шўрлатиб юборилди. Ўзибўларчилик, сансалорлик, интизомнинг бўшашиб кетганлиги қимматга тушмоқда. Бир вақтлар деҳқонга саховатини тўкиб солган экинзорлар, боғроғлар ҳосилдан қолаяпти.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишдаги камчиликлар дард устига чипқон бўлаяпти. Масалан, «Гиламбоп» деҳқон-фермер хўжалиги уюшмасига нафақага чиқишга тайёргарлик кўраётган, истироҳат боғида раҳбар бўлиб ишлаётган Э.Турсуновнинг раис этиб тайинланиши ишнинг кескин орқага кетишига олиб келди. Бу кутилган ҳол эди. Янги раис саросимага тушиб, оммани ортидан эргаштира олмади. Хўжаликда парокандалик юзага келди. Ҳал қилувчи дамларда ғўза парвариши ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Савдо, тиббий, маиший хизмат издан чиқди. Натижа ҳам шунга яраша. Қаранг, хўжаликдаги Расул Маҳмудов бошлиқ бригада гектаридан режадаги 32,4 центнер ўрнига бор-йўғи 9 центнердан ҳосил олди. Йиллик топшириқ 20 фоизда қолиб кетди. Р.Боймуҳамедов, Э.Қорақулов, Р.Шодиева, Ҳ.Турдиалиевлар етакчилигидаги жамоалар ҳам ер чизиб қолдилар.

Хўжаликда иш тамоман ортга кетганлигининг бош сабабларидан яна бири техникага таянмаслик кайфиятининг юзага келганлигидир. Мавжуд 21 та пахта териш машинаси мавсумга пухта шай этилмади. Йиғим-теримнинг дастлабки кунлариданоқ уларнинг кўпи сафдан чиқди. Пировард натижада бир агрегат ҳисобига 15 тоннадан пахта тўғри келди. Бу алфозда қандай қилиб пахтачиликни изчил ривожлантириш, уни сердаромад соҳага айлантириш мумкин?!

Ҳа, бозор шароитида кўп нарса раҳбар салоҳиятига боғлиқ. Кўпга бош бўлган киши аввало билимли, тадбиркор, яхши иқтисодчи, ташкилотчи ва албатта ташаббускор бўлмоғи лозим. Шундагина муваффақият таъминланиши мумкин. Яна бир мисолга эътиборни қаратсак. Шеробод туманида бу йил фақат Нуриддин Муродов номли ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти давлатга пахта топшириш режасини бажарди. Хўжалик раҳбари Шоди Беккелдиев ўз ўрнини топган, янгиликка ўч раҳбар. Бирон йил йўққи, бу ерда марра эгалланмаган бўлсин. Ҳамжиҳатлик, мулкдорлар синфининг истиқболли вакилларига таяниш, ҳар бир тадбирни вақтида, сифатли қилиб амалга ошириш мактабини яратди. Беш йилдан буён шудгор декабрь ойида тугалланиб, пушта олиб қўйилади. Чигит 1 апрелдан 10 апрелгача экиб бўлинади. Текис кўчат олинган майдонларда яганалаш ниҳол икки қулоқ бўлганда, чинбарг чиқармасдан амалга оширилади. Ғўзани чилпиш қулай муддатда — 1-10 июль оралиғида ўтказилганлиги ёз жазирамасида ўрта бўғиндаги ҳосил тугунчаларини сақлаб қолди. Афсуски, худди шундай омилкорлик, қатъиятлик бошқа қатор раҳбарларда етишмаяпти. Боз устига Жарқўрғон, Қумқўрғон туманларида хўжалик раҳбарларини тез-тез алмаштиришдек нотўғри усул қўлланилаётир, иш эса олдинга босиш ўрнига тобора орқага кетмоқда. Ахир, битта яхши кадр йиллар давомида шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Наманган ва Фарғона вилоятларида 1997 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишнинг қониқарсиз аҳволи ҳақида»ги Фармойишидан ҳам сурхондарёлик айрим раҳбарлар хулоса чиқариб олмадилар. Вилоятда кўрсаткичларни бўяб кўрсатишдек ярамас иллат тўла барҳам топмаётир. Деҳқонлар билан очиқчасига суҳбат чоғида шу нарса маълум бўлдики, кўпгина туманларнинг хўжаликларида муҳим агротехник тадбирлар чўзиб юборилган. Баъзи ерларда чигит ҳатто уч марталаб қайта экилган бўлса-да, улар маълумотларда рўйирост кўрсатилмаган. Ахир, бу билан ким-кимни алдаяпти?

Кўзбўямачилик, агротехник тадбирларни амалга оширишдаги совуққонлик, сусткашлик натижасида Жарқўрғондаги Навоий номли, Қумқўрғондаги «Қумқўрғон», Термиз туманидаги «Каттақум», Шерободдаги «Кўҳитанг» ва бошқа қатор хўжаликларда йиллик режанинг ярми ҳам уддаланмади.

Қаерда иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилиб, мулкка эгалик қилишнинг янги шакллари деҳқон турмушига чуқур кириб бораётган бўлса, ўша ерда ўнгланиш, туб бурилишга эришилмоқда. Аммо янгиликни жорий қилишда бошқа бир хатога йўл қўймаслик лозим. Кекса миришкорларнинг таъкидлашларича, аввало ернинг талон-тарож қилинишига барча жойда барҳам бериш лозим. Ер олиб, фермер бўламан деганлар орасида бели оғримай пул топишни ўрганган мансабдорлар, пулдорлар ёки шикоятбозликни касб қилиб олганлар оз эмас. Энг ёмони бундайларнинг ўзлари ишлашмайди: кимларнингдир номига ер олиб, шахсий бойлик орттириш пайида бўладилар. Худди шу масалаларда қатий тартиб ўрнатилган Музрободда давлатга ғалла, пахта, шоли топшириш режалари ортиғи билан ўринлатилди. Бандихонликлар илк бор ғалаба нашидасини суришди.

Қаранг, ер ҳақиқий деҳқон қўлида эмас, учарлар ихтиёрида бўлса аҳволи не кечади?! Қумқўрғон туманидаги Т.Шобуров номли хўжаликда (раиси М.Алиқулов) бу йил ғўзалар бегона ўт исканжасида қолди, йиғим-теримда ялпи сафарбарлик таъминланмади. Пахтачиликка панжа орасидан қаралаётганлиги боис хўжалик қолоқлик ботқоғига ботиб, инқирозга юз тутяпти.

Эришилган натижаларни сарҳисоб қилар эканмиз, воҳа кишиларининг ўз ери, тумани, вилоятига садоқати ҳақида ўйладик. Худди шу муқаддас туйғу кимларнингдир қалбини чўлғамаганлиги учун ташаббуслар сўниб қолди. Қатор хўжаликларда заҳматли меҳнат эвазига етиштирилган қанчадан-қанча оқ олтин терилмай далаларда қолиб кетди. Ахир, булар уволи азим-ку!!

Ўринли савол туғилади: наҳотки, уч йилдан буён вилоятда пахтачилик оқсаётганлиги, заршунос юзи шувут бўлаётганлиги мутасаддиларнинг виждонини қийнамаётган бўлса?! Бизни туйдириб кийинтираётган бебаҳо бойлигимиз — ер қачонгача вилоятдаги айрим ношудлар учун айбдор бўлади?!

**Мирғиёс ҚАЮМОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» шарҳловчиси.**

## ШАРОИТ, ТАЖРИБА, ИҚТИСОДИЁТ

Маълумки, ҳар йили об-ҳаво турли хил келади. Тўғриси, деҳқончилик учун ниҳоятда қулай келадиган йил камдан-кам. Айниқса пахта каби нозик ўсимлик уруғини ўз вақтида ундириб олиш, унинг парваришини оби-тобида олиб бориш, ҳосилга киргунча ҳар бир агротехник тадбирни ғўзанинг ривожланишига қараб ўтказиш мураккаб юмуш. Хуллас, пахтанинг ҳосилини йиғиштириб олгунга қадар катта тажриба, фидойилик зарур. Ана шунда кузда мўлжалдаги ҳосил олиниб, юз ёруғ бўлади.

Деҳқонларимизнинг йил давомида кунни тунга, тунни кунга улаб қилган фидокорона меҳнатларига яраша пахтадан даромад ҳам катта бўлди. Ҳозир хўжалигимиз асосий даромадни ушбу соҳадан олади. Шу билан бирга мазкур қимматбаҳо хом ашё республикамизга валюта келтиради. Бизнинг толамиз жаҳон бозорида ўзининг сифатлилиги, саноатбоп эканлиги билан ҳам машҳур. Буни деҳқонларимиз яхши тушунишади.

Шу боис мавжуд 1350 гектар умумий экин майдонининг 900 гектарига ҳар йили чигит экилади. Об-ҳавонинг баъзи қийинчиликларига қарамасдан икки-уч йилдирки, режа ортиғи билан уддаланиб келинмоқда. Жорий йилда ҳам топшириқ 22 октябрда бажарилди. Ҳар гектар ердан олинган хом ашё 28 центнердан ошиб кетди. Йиғиштириб олинган ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилди. Қисқа муддатда режа уддаланди. Сабаби, далаларда етарли даражада ҳосил тўпланганлиги, мавсум уюшқоқлик билан ўтганлиги бўлди.

Бошқа тармоқларда ҳам режалар ҳар йили ортиғи билан бажарилиб келинмоқда. Масалан, ғаллачиликни олиб кўрайлик. 100 гектар майдонда буғдой ўстирилганди. Шартнома бўйича қайта ишлаш корхоналарига 172 тонна дон топширилди. Бундан ташқари 20 тонна буғдой одамларга иш ҳақи сифатида тарқатилди. Бошқа тармоқларда ҳам режалар доимо ортиғи билан уддаланиб келинаяпти.

Хўш, мураккаб шароитда режаларни ортиғи билан бажариб, юқори кўрсаткичларга эришишнинг омиллари нимада бўлмоқда? Нима ҳисобига деҳқонларимиз ҳар йили белгиланган режаларни ортиғи билан бажарадилар? Агар биз хўжаликда асосий тармоқ ҳисобланган пахтачиликдаги тажриба билан ўртоқлашадиган бўлсак, асосан қуйидаги тадбирларга қатъий амал қилинади.

Аввало, қишда шўр ювишга алоҳида эътибор берилади. Бу ишга жиддий ёндашиш зарур. Сабаби, ер шароити шуни тақозо қилади. Шу боис бир неча маротаба бўлса-да, яхоб суви бериш лозим. Шунда тупроқ таркибидаги шўр яхшилаб ювиб ташланади, ернинг ҳосилдорлиги ошади. Шунда ундан мўлжалдаги хом ашёни олиш имконияти пайдо бўлади. Хуллас, қишдаги бу муҳим тадбирнинг ўз вақтида ва сифатли қилиб ўтказилиши бўлажак ҳосилга замин яратади.

Шу билан бирга қишда ер маҳаллий ўғитга тўйинтирилиши керак. Иложи бўлса, ўғитни далага кўп миқдорда чиқариш лозим. Ер гўнгга қанча кўп тўйинтирилса, унинг ҳосилдорлиги шунча ошади.

*Меҳнат китоби ва сарҳисоби*

Чигитни ўз вақтида экишнинг ҳам хосияти катта. Уруғликни ерга бироз эртароқ қадашнинг ҳам, шунингдек, озгина бўлса-да кечроқ экишнинг зарари бор. Назаримизда, бу ишни ернинг шароити, об-ҳавога қараб ҳар бир хўжаликнинг уста пахтакорлари ўзлари белгилашлари лозим. Масалан, бизнинг шароитда чигит апрель ойида экилгани маъқул. Хўжалигимиз ютуқларининг омилларидан бири чигит ана шу ойда ерга қадалаётганлигида деб биламан.

Ерга қадалган чигитни ўз вақтида ундириб олиш ва кўчатларнинг тўлиқ бўлишига эришиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар гектар майдонда 75—80 минг дона кўчат бўлиши лозим. Уларга ишлов бериш жараёнида минерал ўғитларни меъёрида солиш керак. Масалан, ҳар гектар майдонга 600 килограмм азот, 350 килограммгача аммофос, 100—150 килограммгача калий берилиши шарт. Бу меъёр бузилмаслиги керак. Агар у бузилса, ўғитларни баъзи деҳқонлар бошқа мақсадларда ишлатса, бунинг зарари ҳосилга ниҳоятда катта бўлади.

Шунингдек, ғўзага ишлов бериш пайтида техника воситаларидан ҳам унумли фойдаланиш керак. Улар бу вақтда ишга соз бўлиши, фақат парваришга йўналтирилиши лозим. Яқинда Вазирлар Маҳкамасида қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланган мажлисда Президентимиз минерал ўғитлар, техникадан фойдаланишда талон-торожликка йўл қўйилаётганлиги тўғрисида бекорга куйиниб гапирганлари йўқ. Бу борада тартиб-интизом бўлмас экан, ишда ривожланиш бўлмайди.

Экинлар парваришида агротехника талабларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишининг ҳам аҳамияти катта. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш, суғориш ишларида кечиктиришга йўл қўйилмаслиги керак. Агар ғўзага белгиланган вақтидан икки-уч кун кейин сув берилса, ёки ишлов кечикса бунинг ҳосилга зарари катта бўлади. Шу боис, экинларнинг ривожланиш пайтида ҳар бир агротехник тадбир ўз вақтида ва сифатли бажарилиши керак.

Баъзи йиллар об-ҳаво бироз ноқулай келиб, бундай тадбирларни ўз вақтида ўтказишнинг имкони бўлмай қолади. Масалан, баҳорда ёғингарчиликлар кўп бўлиши, ёзда эса етарли ҳарорат бўлмай ғўзалар керакли иссиқликни олмаслиги мумкин. Бундай пайтларда шароитга қараб, тажрибали уста деҳқонларнинг маслаҳатларига амал қилган ҳолда иш тутган маъқул. Аслини айтганда деҳқонга ундай қилиш керак, бундай қилиш керак, деган кўрсатма беришнинг ўзи нотўғри. У шароитга, об-ҳавонинг келишига қараб агротехника тадбирларини амалга оширса, йил давомида фидокорона меҳнат қилса, албатта, кузда юзи ёруғ бўлади.

Хўжалигимиз аъзолари мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланаётгани, уста деҳқонлар тажрибаларига, экинлар парваришида агротехника қоидаларига қатъий амал қилаётганлиги боис режалар уддаланиб, иқтисодиёт мустаҳкамланиб бормоқда. Жорий йилда 20 миллион сўмга яқин соф даромад олиш мўлжалланмоқда.

Хўжалигимизда тажрибали, ўз ишига фидойи пахтакорлар кўп. Улар жамоа режасининг бажарилишига ҳам ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқдалар. Бундай фидойи кишиларнинг ажойиб меҳнатлари, маслаҳатлари билан ишимизнинг олға силжишига ёрдам бермоқдалар. Бекмамат Ҳасанов, Сафарбой Оташев, Йўлдош Нурумбетов, Сафарбой Бозорбоев ва Қулмонқули Бердимуродов каби бригада бошлиқларини шундайлар қаторига киритиш мумкин. Улар бош бўлган жамоаларда ҳосилдорлик 35—42 центнерни ташкил қилди.

Тўғри, бизнинг хўжалигимизда ҳам баъзи муаммолар бор. Уларни мутасадди ташкилотлар ёрдамида ечиш лозим, деб ўйлайман. Уруғчилик борасидаги ишни яхши йўлга қўйиш керак. Кўп навларнинг таркиби бузилиб кетган. Масалан, бизнинг еримиз, иқлимимизга мос «Ф-175» навини олиб кўрайлик. Ҳозир ушбу нав таркиби бузилган. Бу табиийки, деҳқонларни чалғитади. Агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилгани билан етарли миқдорда ҳосил тўпланмайди. Агар юқоридаги номи тилга олинган навнинг таркиби тозаланиб, унинг сараланган уруғлиги бўлса, деҳқоннинг юмуши енгиллашиб, кузда юзи ёруғ бўлади.

Айни пайтда келгуси йил ҳосилига пухта замин яратилмоқда. Шудгорлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Ариқ-зовурлар тозалаб бўлинди. 200 тоннадан зиёд гўнг жамғарилиб, далаларга олиб чиқилди. Техника таъмири қизғин олиб борилмоқда. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, деҳқонларимиз келгуси йил ҳам барча соҳаларда мўл ҳосил етиштириш учун ҳозирдан фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Келгуси, 1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши хўжалигимиз аъзоларини ҳам ниҳоятда хурсанд қилди. Биз айни пайтда келгуси йилда бу борада қандай чора-тадбирлар қилишимиз лозимлиги, шу билан бирга одамларни ижтимоий муҳофаза қилиш, маданий-маиший ишларга қандай эътибор бериш кераклиги тўғрисида режалар тузаяпмиз.

**Бобожон САПАЕВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги «Намуна» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбари.**

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 1997 йил 25 декабрь куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги биносининг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 24 декабрь куни соат 14 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги биноси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ДЕПУТАТЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР БЛОКИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши 23 декабрь куни соат 17 да ушбу партия марказий кенгашининг мажлислар залида ўтказилади. «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши ҳам шу куни соат 16 да Тошкент давлат юридик институтининг залида ўтказилади.

«Ватан тараққиёти» партиясининг фракцияси 24 декабрь куни соат 11 да ушбу партия марказий кенгашининг мажлислар залида йиғилади, шу куни соат 12 да эса Олий Мажлисда ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки ўз мажлисига тўпланади.

# ПАЙ — ДАРОМАДИ МЎМАЙ

*Ислоҳот инсон хизматида*

Ислоҳотларнинг жадаллашуви кўп жиҳатдан ташаббусларнинг қўллаб-қувватланишига, тадбиркорлик кўрсатиб иш юритишга боғлиқ. «Узбекистон» жамоа хўжалиги фақат Яккабоғда эмас, балки вилоятда биринчилар қаторида пайчиликка ўтган хўжаликлардан саналади. Жамоанинг янгича йўналиш асосида иш бошлаганига икки йилдан ошаяпти. Тўғриси, иш юритишнинг жаҳон тажрибаси синовидан ўтган ана шу усули одамларни соҳага янгича ёндошиб деҳқончилик маданиятини юқори поғонага кўтаришга ундамоқда. Хўш, натижалар қандай бўлаяпти?

Шу ўринда қисқача бўлса-да, жамоанинг аввалги йиллардаги кўрсаткичларига бир назар ташлашга тўғри келади. Миришкорлар асосан пахта, ғалла, мева-сабзавот етиштириш ва чорвачилик билан шуғулланадилар. Илгарилари барча соҳадаги режалар уддаланган бўлса-да, ишчилар унчалик манфаат кўрмас, иқтисодий кўрсаткичлар ҳам кўнгилдагидек эмасди. Негаки, етиштирилаётган маҳсулотнинг асосий қисми сифати анча паст эди. Бу эса ойлик маошларга таъсир қилмай қолмади.

Хўжаликда юзага келган аҳвол туман раҳбарларини, қишлоқ ва сув хўжалигидаги мутахассисларни эътиборсиз қолдирмади. Имкониятлар ўрганиб чиқилганда, ташаббускорлик етишмаслиги аён бўлди.

Халқимизда кенгашли тўй тарқамас, деган ҳикмат бор. Мутахассислар фикрига кўра жамоа хўжалиги пайчиликка ўтказилди. Мана, икки йилдирки барча соҳадаги режалар бажарилибгина қолмасдан, тадбиркорликка ҳам асос солинди. Ташаббус ва илғор тажрибалар қўлланилганлиги боис жорий йилда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳосилдорлик гектарига 29,5 центнерга, айрим бригадаларда эса 34 центнерга етди. Дастлабки хомчўтларга қараганда бу йил миришкорлар аграр соҳадан йигирма миллион сўмдан зиёд соф даромад олишни режалаштиришаяпти.

Мева-сабзавот етиштириш, чорвачиликда моллар бош сонини кўпайтириш, сифатли маҳсулот олишда ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Бу даврда халқ талаб-эҳтиёжига кўра кенг тармоқли ишлаб чиқаришнинг вужудга келганлиги манфаатдорликнинг ортишига, вақтни тежаб, омилкорлик билан иш кўришга шароит яратди. Эндиликда хўжаликда ҳар бир мутахассис, ҳар бир миришкор зиммасига катта масъулият юкланган. Улар қилаётган юмуши хўжалик учун, ўзи учун қандай фойда келтиришини яхши билади. Шу боисдан одамлар турмуш тарзи, моддий фаровонлиги ортмоқда.

Бир мисол. Аввалги йилларда хўжаликдаги ҳар бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи 900 — 1200 сўмдан иборат бўлса, пай асосида иш юритилаётганидан буён бу кўрсаткич тўрт-беш минг сўмни ташкил этяпти.

Хўжалик иқтисодиётининг мустаҳкамланганлиги янги-янги режаларни рўёбга чиқариш, бунёдкорликни жонлантиришга замин яратмоқда. Икки йил ичида маданий-маиший иншоотлар қурилди. Тикиш-бичиш цехлари, савдо шохобчалари, болалар боғчалари, бозор фойдаланишга топширилди. Буларнинг ҳаммаси ҳазрати деҳқонга қулайликлар яратди.

— Пайчиликка ўтилганлигининг афзал томонлари кўп, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Файзулла Бердиев. — Бу одамларда ерга бўлган муносабат тубдан ўзгарганлигида, тежамкорлик кучайганлигида, миришкор аъло кайфиятида ўз ифодасини топаяпти. Муҳими, барча яхши ишлаб, яхши яшайдиган замонлар келганини қалбдан ҳис қилмоқда.

1998 йил — Оила йили. Хўжалик раҳбарияти ана шуни назарда тутиб аниқ тадбирлар белгилади. Инсон омилига, ижтимоий ҳимоя масалаларига эътибор кучайди. Ҳозирги кунда хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, йил охиригача чекка қишлоқлардаги 15 километрли кўча йўлларини ободонлаштириш, асфальт ётқизиш, Қўшчинор қишлоғи аҳолисини табиий газдан тўла баҳраманд этиш ишлари ниҳоясига етказилади. Алакўйлак қишлоғидаги янги мактаб биноси қурилишини поёнига етказиш, иккита замонавий болалар боғчасини қуриш асосий мақсадлардан бири.

Ҳазрати деҳқон қишда ҳам тиним билмайди. У келгуси йилга пухта замин ҳозирлаш орзусида сидқидил тер тўкмоқда. Мавжуд 700 гектар кузги ғалла тўлиқ ундириб олинган, ўғитланган. Майсалар ривожи кўзни қувнатади. Ғўзапоядан бўшаган майдонлар шудгорланиб, маҳаллий ўғитга тўйинтирилмоқда. Ҳашар уюштирилиб, ариқ-зовурлар тозаланаяпти. Устахоналарда таъмирчилар енг шимариб ишга киришишган.

Хўжалик далаларини айланиб, амалга оширилаётган ишлар кўлами билан яқиндан танишган киши кайфиятга, моддий манфаатдорликка кўп нарса боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил қилади. Яна бир қувончли ҳол: ўрта мактабларни муваффақиятли битирган талай ёшлар миришкорлар сафига қўшилдилар.

Оппоқ қор ёғмоқда. Далалар оқ парқуга бурканмоқда, она замин куч тўплаяпти. Хўжалик деҳқонларининг келаси йилдан умидлари катта.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

*Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг X сессияси олдидан*

***Республика иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, мулкдорлар синфини шакллантириш, соҳа корхоналарига қатор эркинликлар бериш билан боғлиқ ўнлаб қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг ҳаётга тадбиқ этилгани ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Шу билан бирга, Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида мазкур ҳуқуқий базани такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади. Шу боис, Олий Мажлиснинг навбатдаги X сессияси кун тартибига тармоққа оид яна бир неча муҳим масалалар киритилгани бежиз эмас. Улардан бири «Қишлоқ хўжалиги корхоналари санацияси тўғрисида»ги қонун лойиҳасидир. Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалда жорий этишдан мақсад нималардан иборат? Умуман, қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш деганда нима тушуниладир. Бу масалаларга аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбирлари Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси раисининг ўринбосари Анвар СУЛТОНОВГА бир неча савол билан мурожаат қилди.***

## КОРХОНА САНАЦИЯСИ:
# ЗАРУРАТ ВА ИСТИҚБОЛ

**— Анвар Жумабоевич, депутатлар муҳокамасига киритилаётган «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг санацияси тўғрисида»ги қонун лойиҳасида асосий эътибор хўжаликларнинг иқтисоидй барқарорлигини тиклашга ҳамда келгусида уларнинг фаолиятини самарали амалга оширишга қаратилгани шубҳасиз. Суҳбатимиз аввалида, мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга сабаб бўлган омиллар хусусида тўхталсангиз?**

— Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Шу боисдан ҳам тармоқни бозор муносабатларига мос равишда ислоҳ қилиш республика Президенти ва ҳукуматининг доимо диққат марказида турибди. Мустақиллигимизнинг ўтган қисқа даври мобайнида қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, қишлоқ хўжалик корхоналарига ташкилий, иқтисодий ва тижорат эркинликларининг берилиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, сифатининг яхшиланишига хизмат қилмоқда. Энг асосийси, тармоқни молиялаштириш, суғурталаш, шартномавий муносабатларни шакллантиришда туб бурилиш ясалди. Пахта ва дон маҳсулотлари учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш яхшиланди. Жумладан, хўжаликларга давлат буюртмаси бўйича етказиб берилган дон ҳақи юз фоиз тўланди. Пахта хомашёси учун ҳам тўловлар ўз вақтида бўлиши кутилмоқда. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган муҳим тадбирлар соҳанинг барқарор ривожланишини таъминламоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли барча турлари бўйича ўтган йилга нисбатан етти фоиз ўсишга эришилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда тармоқни ривожлантиришда тўсиқ бўлаётган айрим камчилик ва муаммолар ҳам юзага чиқмоқда. Хўжаликларнинг иқтисодий самарадорлиги масаласи ана шулардан биридир.

Маълумотларга кўра, жорий йилни республикамиз бўйича 587 қишлоқ хўжалик корхонаси иқтисодий зарар билан якунламоқда. Энг кўп зарар кўраётган хўжаликлар Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд вилоятларига тўғри келади.

**Хўш, бугунги кунда қишлоқ хўжалик корхоналарига барча зарур шароитлар яратиб қўйилганига қарамай уларнинг айримлари нега иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолди?**

— Таҳлиллар шуни кўрсатадики, йилни иқтисодий зарар билан якунлаётган хўжаликларда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлиги паст даражада қолмоқда. Эътиборингизни мана бу мисолга қаратмоқчиман. Республикамиз шароитида табиий ҳолда, яъни ҳеч қандай харажатсиз гектаридан 10 — 12 центнердан пахта ҳосили олиш мумкин. Аммо йилни иқтисодий зарар билан якунлаётган 89 хўжалик талай техника, ишчи кучи, ўғит ва бошқа ресурсларни срафлаган бўлса-да, бу кўрсаткич ўн центнерга ҳам етмади. Жиззах вилояти Зарбдор тумани «Зарафшон» хўжалигида ҳосилдорлик 2,3, Сурхондарё вилояти Шеробод тумани «Наврўз» хўжалигида 2,7 Сирдарё вилояти Оқолтин тумани Тойиров ва Муҳамедов номидаги хўжаликларда 1,8 — 2,7 центнерни ташкил этди.

Ачинарлиси шундаки, йилни зарар билан якунлаётган хўжаликларда бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги ҳам ниҳоятда паст. Бу йил республикамизда ўртача 20,6 центнердан дон етиштирилгани ҳолда иқтисодий зарар кўраётган хўжаликларнинг 164 тасида бу кўрсаткич ўн центнердан ошмади, 102 тасида эса ҳосилдорлик 10 15 центнерни ташкил қилди, холос. Бундай натижа билан хўжалик иқтисодини юксалтириш, мўл-кўлчиликни таъминлаш мумкинми?

Иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган хўжаликларнинг асосий қисми моддий ресурслар, айниқса, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини юритишда жиддий хатоларга йўл қўйган, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни меъёридан кўпайтириб юборган. Йилни зарар билан якунлаётган қишлоқ хўжалик корхоналари фаолияти таҳлил қилинганида, уларнинг 89 тасида бир тонна пахта етиштириш таннархи 25 — 30 минг сўмни, 37 тасида 35 минг сўмни, 11 тасида эса 50 минг сўмни ташкил этгани маълум бўлди. Бошоқли дон етиштиришда ҳам ана шундай катта харажатларга йўл қўйган корхоналар бугун иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолмоқда. Энг ачинарлиси, сурункасига зарар кўриб ишлаётган хўжаликлар бугунги кунга келиб асосий ва айланма маблағларини сарфлаб қўйган. Уларнинг сўнгги йиллардаги зарарлари ссуда ва кредитор қарзларидан бир неча баравар ортиб кетган. Масалан, Зомин туманидаги «Ғалаба» хўжалигининг ташқи қарзлари 428,9 миллион сўмни ташкил қилади, ваҳоланки, унинг асосий воситалари 68,7 миллион сўмга тенг, холос.

Бозор муносабатлари шароитида йилни иқтисодий зарар билан якунлаб, қарзга ботган корхоналар синиши, яъни банкрот бўлиши керак. Одатда бундай корхоналар тугатилади, мол-мулки сотилиб, қарзлари тўланади.

Хўш, зарарга ишлаётган хўжаликлар тақдирини қандай ҳал қилиш мумкин? Мамлакатимизда мазкур масалага тармоқнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилмоқда. Биринчидан, ер ресурсларини олайлик. У қишлоқ хўжалигида асосий восита, шу билан бирга у чекланган. Иккинчидан, ҳосил миқдори кўп жиҳатдан табиий биологик омиллар ва сув ресурсларига боғлиқ. Қолаверса, аҳолининг озиқ-овқат, хусусан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаби ўсиб бормоқда. Бу талабни қондириш, яъни, ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш лозим. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган қишлоқ хўжалик корхоналарини тугатиб, аҳоли бандлигига путур етказмаслик керак. Ана шу ва бошқа муҳим омиллар бирдан-бир тўғри йўл — қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш заруратини келтириб чиқарди. Президентимизнинг фармойиши билан тузилган ҳукумат комиссияси бу борада зарур ишларни амалга оширмоқда. Мазкур комиссия тасдиқлаган ишчи гуруҳ томонидан бугунги кунда олтита меъёрий ҳужжат тайёрланди.

**— «Қишлоқ хўжалик корхоналарининг санацияси тўғрисида»ги қонун лойиҳасида қандай масалалар кўзда тутилган?**

— Бугунги кунда амал қилаётган қонун ва меъёрий ҳужжатларда қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий аҳволини яхшилаш масалалари етарли даражада акт этмагани сезилиб қолмоқда. Лойиҳа масаланинг ана шу жиҳатларига катта эътибор қаратилгани билан диққатга сазовордир. Энг муҳими, қонун лойиҳасида биринчи марта корхоналарни зарар кўриб ишлаётган дейилади, уларнинг тўловга қобилиятсизлиги, иқтисодий ночорлиги қандай белгиланади, шунингдек, молиявий барқарорлик, мораторий тушунчаларининг мазмуни қонуний асосда ёритиб берилган. Санациялашнинг объекти ва субъектлари, санациялашда қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат ва стратегик йўналиши, ернинг ҳолати, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги ва иқлим шароитларига боғлиқлиги ва бошқа хусусиятлар ҳисобга олиниб, алоҳида моддада ифода этилган. Шу билан бирга, унда санациялашнинг шакл ва турлари, унга ажратиладиган маблағ манбалари, санациялашда кредиторларнинг талабларини қондириш каби муҳим масалалар ўрин олган. Бундан ташқари, қонун лойиҳасида давлат маблағлари иштирокида ва иштирокисиз иқтисодий ночор корхоналарга молиявий ёрдам бериш, уларнинг аҳволини яхшилаш мақсадида ташқи бошқарувни жорий қилиш ҳам кўзда тутилган.

**— Қандай корхоналар санация қилинади, бундан мақсад ва вазифалар нималардан иборат?**

— Санация — бу зарар кўриб ишлайдиган, иқтисодий жиҳатдан ночор қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий соғломлаштириш учун қўлланиладиган чора-тадбирлар мажмуидир. Санациялашдан мақсад қишлоқ хўжалик корхоналарининг келгуси фаолиятини самарали амалга ошириш, кредиторларнинг талабини қондиришда тўловчанлиги ва иқтисодий барқарорлигин тиклашдир. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш орқали иқтисодий самарадорликни таъминлашга йўналтирилган зарур ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарур шароитлар яратиш, қишлоқ хўжалик корхоналарининг харажатларини камайтириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимини ихтисослаштириш қишлоқ хўжалик корхоналарини санациялашнинг асосий вазифалари ҳисобланади. Қонун лойиҳасига кўра санациялаш танлов асосида икки йил муддатгача амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Айни пайтда зарур кўриб ишлаётган қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолияти ҳар томонлама таҳлил қилинмоқда. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш кераккки, санация — бу давлатнинг ёки хўжалик субъектларининг иқтисодий ночор корхоналарга кўрсатадиган ёрдами бўлибгина қолмай, айни чоғда корхоналар раҳбарлари ва маҳаллий ҳокимият органлари учун катта масъулият ва жавобгарлик ҳамдир. Зеро, санациялаштирилаётган ҳар бир корхона қатъий назоратга олинади. Корхона раҳбарлари санацияга ажратилган маблағларнинг қандай сарфланаётгани ҳақида тегишли ташкилотларга мунтазам ҳисоб бериб борадилар.

Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалик корхоналарини санациялаш қишлоқ хўжалигини юксалтириш, деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, энг муҳими, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлидаги ҳукуматимизнинг яна бир муҳим тадбиридир.

**П. НИШОНОВ,**
**Н. ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

## ҚИСҚИЧБАҚА ХОРИЖГА СОТИЛАДИ

*Ишонмайсизми? Унда Андижон вилоятининг Балиқчи туманига келинг. «Бўстон» ширкатлар уюшмасида сизни маҳаллий тадбиркор Сойибжон Сайдалиев ана шундай иш билан шуғулланаётганига ишонч ҳосил қиласиз.*

*Собиқ ҳайдовчи — Сойибжон қаровсиз ётган балиқчилик ҳовузларини хўжаликдан олиб, уларда тонналаб балиқ етиштирмоқда. 40 гектар майдонга эга бўлган бу хусусий балиқчилик фермер хўжалигидаги 20 гектар ҳовузда консервабоп балиқ, 15 гектарида қисқичбақа, қолган майдонларда эса нутрия боқилмоқда.*

*Сойибжон Сайдалиев Ташқи итқисодий алоқалар вазирлиги мутахассислари ёрдамида АҚШ ва Япония ишбилармонлари билан ўзаро манфаатли шартномалар тузишга муваффақ бўлди. Энди андижонлик тадбиркор Япониядан келтирилган қисқичбақа уруғини боқиб, етилганларини шу жойда қадоқлайди ва АҚШ, Япония, Корея, Исроил ва Россия каби давлатларга экспорт қилади.*

*Шунингдек, хорижлик бизнесменлар билан балиқ консервалайдиган кичик завод қуришга ҳам келишиб олинди. Мутахассисларнинг фикрича, хўжаликда йилига 500 тонна балиқ етиштириш имкони мавжуд. Қишлоқ тадбиркори ўз режаларини амалга оширса, 200 дан зиёд ҳамқишлоғи иш билан таъминланади.*

**К.НИЗОМОВ,**
**ЎзА мухбири.**



## ЗАНГОРИ ОЛОВ ТАФТИ



**Ғузор туманидаги «Шўртангаз» конлари бошқармасида яқин кунларда газ ишлаб чиқариш қуввати ошади. Бу ерда қурувчилар кучи билан яна бир йирик мажмуа — газни ҳар хил аралашмалардан тозалайдиган 5-блок қурилиши тугалланиш арафасида турибди. Мамлакатимизнинг ўнлаб қурилиш ташкилотлари иштирокида бунёд этилаётган ушбу иншоот фойдаланишга топширилгач, соатига бир минг кубомерт газни тозалаб, истеъмолчиларга етказиб беради.**

**Суратларда: Қарши махсус монтаж ишлари бошқармаси монтажчиси Тошкент Худойқулов; янги қурилмада монтаж ишлари олиб борилаяпти.**

**Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ВИЛОЯТ ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

## БОҒЧА КУТУБХОНАСИ

«ДЎСТЛИК БАЙРОҒИ». Қизилтепа туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалигининг «Саодат» болалар боғчасида мудира Шоира Умарова ташаббуси билан кутубхона ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Унга биринчи бўлиб жамоа хўжалиги фаоллари китоблар, расмли альбомлар келтиришди. Туман халқ таълими бўлими, шунингдек ота-оналар ҳам бу ишдан четда туришмади. Ҳозирги кунда кутубхона жавонларидаги китоблар сони беш минг нусхадан ошиб кетган. Айни пайтда зиё масканида турли кечалар, учрашувлар уюштирилиб турилади.

## МУРУВВАТ ҲАФТАЛИГИ

**«НАМАНГАН ҲАҚИҚАТИ». «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Наманган ҳудудий бўлими мурувват ҳафталигини ўтказди. Унда ногиронларга кийим-кечак, дори-дармонлар топширилди. Жумладан: вилоят асаб касалликлари шифохонаси болалар бўлимига 11.120 сўмлик оёқ кийими, турли совғалар, ўйинчоқлар тақдим этди. Жамғарманинг Чуст тумани бўлими 60 ногиронни оёқ кийими билан сийлади. Муҳаррамхон Мамажоновага ногиронлар аравачаси берилди.**

**Шунингдек, Учқўрғон туман бўлими, вилоят таянч пункти, Наманган шаҳар таянч пункти ҳам азизу мўътабарларга кийим-кечак, дори-дармонлар ҳадя этдилар.**

## РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА

«ФАРҒОНА ҲАҚИҚАТИ». Қўқон ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти цехида янги мой тозалаш линияси ишга туширилди. Республика тармоқ корхоналарида ягона бўлган бу дастгоҳнинг қуввати эскирган 5 та ана шундай ускунанинг қувватига тенгдир. Бундан ташқари Германиядаги машҳур фирмалардан бирининг экстракция дастгоҳи ҳам ўрнатилди.

Корхонани таъмирлаш жараёнида умуман 90 миллион сўмлик янги дастгоҳлар монтаж қилинди.

## БАҲОНАНИНГ МАВРИДИ ЭМАС

**«ҚАШҚАДАРЁ». Ўз вақтида ва сифатли қилинган шудгор мўл ҳосил гарови эканлиги барчага аён, деб ёзади Н. Эгамов. — Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган қишлоқ хўжалик ишларининг боришини жадаллаштиришга бағишланган кенгашда шудгорлашни 14 декабргача тугаллаш чора-тадбирлари белгиланган эди.**

**Бироқ айрим жойларда бу ишларни кўнгилдагидек ташкил этишда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётир. Нишон туманидаги А. Қодирий номли жамоа хўжалигида шундай аҳволнинг гувоҳи бўлдик. Қиш бошланганига қарамай, бу ерда биз борган кунда топшириқда кўрсатилган 1587 гектар майдоннинг 350 гектаридан ортиғи ҳайдалган, холос. Мавжуд 14 та тракторнинг бор-йўғи 3 таси ишлаяпти. Алишер Холтўраев, Нафас Маҳмашаев, Самад Ўтанов бошлиқ деҳқончилик ширкатларида шудгорлашга киришилмаганди. Бошқа ширкатларда ҳам аҳвол дуруст эмас. 3-деҳқончилик ширкатида механизаторлар ишлари жуда суст.**

**— Эҳтиёт қисмлар, ёнилғи мойлаш материалларининг танқислиги сабабли иш юришмаяпти, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Суюн Бердиев. — Баҳордаги табиий офат туфайли пахтамиз кечки бўлиб, йиғим-терим анча чўзилиб кетди...**

**Раис санаб ўтган муаммолар бошқа кўпгина хўжаликларга тегишли.**

**Айни дамларда мазкур хўжаликда шудгорлаш суръатини ошириш учун барча имкониятлар ишга солинаётир.**

## БИР ҚУВУР МОЖАРОСИ

«СИРДАРЁ ҲАҚИҚАТИ». Гулистон шаҳрининг маҳалла қисмида машина ва тракторлар серқатнов Беруний кўчаси бор. Ана ундан Усмон Юсупов кўчаси бўйлаб сув ўтадиган ариққа қувур ётқизилган. Якка йўлни кенгайтириш мақсадида шу қувур ёнига 2-3 та плита жойлаштирилган эди.

— Унинг эни 20 метрни ташкил этди, деб ёзади Ч. Абдуллаев. — «Қўлбола» кўприк тагидан сув ўтавериб, лой кўчиши натижасида қувурга ҳар хил нарса тиқилиб қолди. Мана, икки йилдирки, бу ердан сув оқмайди. Бу ҳол У.Юсупов кўчасида яшовчиларга ташвиш келтирмоқда, улар томорқалардаги экинларни суғориш имконидан маҳрум бўлдилар. 1996 йилда мазкур муаммони ҳал этишни сўраб шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилинди. Бу иш шаҳар кўкаламзорлаштириш участкасига топширилди. Лекин амалий натижа бўлмади. «Техника йўқ, одамлар кучи билан қувурни тозалашнинг иложи бўлмаяпти», — дейишди. Шу йилнинг апрель ойида яна шаҳар ҳокимлигидан нажот сўрашга тўғри келди. Бу иш бир масъул шахсга топширилди. У киши бошқа ишга ўтиб кетди-ю, масала яна очилмай қолди.

Яқинда яна юқоридаги аҳвол такрорланди. Икки киши сув ташиш машинасида келиб, кўриб кетишибди. Жавоб битта: «қўлимиздан келмайди, чунки қувур ва плиталарни кўчириб олиб ташлаш, ҳақиқий кўприк қуриш керак». Савол ҳам битталигича қолмоқда: битта қувурнинг икки йиллик можарасига қачон чек қўйилади?

